

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018. Tib.64.01 ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УРИНОВ ОЙБЕК

**ЭПИДЕМИОЛОГИК, ДАВОЛАШ - ДИАГНОСТИКА ВА ПРОГНОСТИК
ПАРАМЕТРЛАРНИ ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМИ/ ЎТКИР МИОКАРД
ИНФАРКТИ БОР БЕМОРЛАРДА ЎРГАНИШ
(РЕГИСТР МАЪЛУМОТЛАРИГА ТАЯНИБ)**

14.00.06 – кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on medical sciences**

Уринов Ойбек

Эпидемиологик, даволаш - диагностика ва прогностик параметрларни ўтқир коронар синдроми/ ўтқир миокард инфаркти бор беморларда ўрганиш (регистр маълумотларига таяниб) 3

Уринов Ойбек

Изучение эпидемиологических, лечебно - диагностических и прогностических параметров у больных острым коронарным синдромом/острым инфарктом миокарда (по данным регистра) 21

Urinov Oybek

Study epidemiological, medical - diagnostic and prognostic parameters at acute coronary syndrome / acute myocardial infarction (on materials of the register) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018. Tib.64.01 ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УРИНОВ ОЙБЕК

**ЭПИДЕМИОЛОГИК, ДАВОЛАШ - ДИАГНОСТИКА ВА ПРОГНОСТИК
ПАРАМЕТРЛАРНИ ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМИ/ ЎТКИР МИОКАРД
ИНФАРКТИ БОР БЕМОРЛАРДА ЎРГАНИШ
(РЕГИСТР МАЪЛУМОТЛАРИГА ТАЯНИБ)**

14.00.06 – кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.PhD/Tib34 рақами билан рўйхатга олинган.

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамутов Рефат Шукриевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
тиббиёт фанлари доктори

Турсунов Хотам Хасанбоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш Инститuti

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018. Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 234-16-67, e-mail: info@cardiocenter.uz, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 234-16-67).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Қурбанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш,
тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.А. Хамидуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Турли мамлакатлардаги аҳолининг касалланиши ва унинг динамикасини ўрганиш натижалари кўрсатишича, юрак қон-томир касалликлари (ЮҚТК), айниқса юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва бош мия инсульти (БМИ) ўрта ёшдаги аҳолининг ўлими ва ногиронликка чиқишининг асосий сабабларидан бўлиб қолмоқдалар¹. ЮИКни даволаш ва профилактика бўйича охириги йиллардаги эришилган ютуқларига қарамасдан, у мамлакатлар аҳолиси касалланиш ва ўлим структурасида етакчи ўринни эгаллаши билан тавсифланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра ЮҚТКдан йилига 17,7 млн. киши вафот этади, бу дунёдаги барча ўлимнинг 31% ни ташкил қилади².

Жаҳонда ЮИК бор беморларни ташхислаш, эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ўткир коронар синдромидан (ЎКС)/ Ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) ўтказган беморларда юрак қон - томир касалликлари асоратларини қайталаниши ва ўлим хавфини аниқлаш, даволаш усулларини мукаммаллаштириш мўҳим аҳамият касб этади. Бу борада МИни профилактикаси, ўткир даврида тромболитик терапиянинг аҳамияти ва бирламчи бўғиндаги тиббиёт ходимлари томонидан ЎКС/ЎМИли беморларда ёрдам кўрсатиш, шунингдек тўсатдан ўлимни олдини олишга қаратилган чора - тадбирларни самарадорлигини баҳолаш ҳозирги кунда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолат туфайли сўнгги йилларда бутун дунёда ЎКС/ЎМИнинг эпидемиологиясини ўрганиш ва уларнинг замонавий профилактика усулларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб аҳолига сифатли ихтисослаштирилган кардиологик ёрдамни ташкил қилиш ва амалиётга юқори технологияли даволаш услубларини жорий қилишга эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий - тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли касалланиш кўрсаткичларини пасайтиришни таъминлаш ва аҳоли хаёт давомийлигини узайтириш»³ каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кардиология соҳасини изчил ривожлантириш юрак-қон томир касалликларини олдини олиш, хавф омилларини эрта аниқлаш ва касалликни даволашда юқори технологияли усулларни самарадорлигини ошириш, шу жумладан ЮИКни эрта ташхислаш,

¹ Мамутов Р.Ш., Умаров Р.Т., Хакимова Я. С. и др. Заболеваемость острым инфарктом миокарда и острой коронарной недостаточностью и смертность от них по данным регистра ОИМ и ОКН. Информационное письмо ст. 1-2. Ташкент 2002.

² World health statistics. World Health Organisation. 2015

³ 2017 йил 7 февралдаги ПҚ – 4947- сон Қарори билан тасдиқланган «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

касаллик клиник кечишини прогнозлаш, даволаш чораларини оптималлаштириш ва бунинг натижасида касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, бемор ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 7 - февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 20 - июндаги ПК-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтга келиб ЎМИ ва ЎКС патогенези, даволаш ва профилактикасининг самарадорлигига оид кўплаб тадқиқотлар ўтказилган (Мясников А. Л. 1957 й., Руда М.Я. 1977, Alpert J. S. 2001, Steg. P.G. 2012). Фақат қатъий талабларга асосланган, ахборотни тўплаш ва ташхисни аниқлашнинг ўзига хос тизимларига эга бўлган, стандартлашган дастурларгина ҳақиқий ҳолатга ойдинлик кирита оладилар (Гафаров, В.В. 2002). Бундай дастурларга БДССТнинг «Ўткир миокард инфарктининг Регистри» билан «MONICA» дастури мисол бўла оладилар (World Health Organization. Myocardial Infarction Community Registers. Copenhagen 1968-69 йй.).

Ҳозирги вақтда дунёда ЎМИ ва ЎКСли беморлар регистрининг 30 дан ортиқ миллий (Испания, Португалия, Мексика, Австралия, Польша ва б.қ.) ва кўпмиллатли, замонавий ахборот технологияларига таянган дастурлари ишлаб келмоқдалар (Chew D.P. 2007, Polonski L. 2007). Айнан мазкур ишлар, аввал камроқ ўрганилган, ЎМИнинг касалхонагача бўлган даврига эътиборни қарата олдилар (Eagle K.A. 2002, Гафаров В.В. 2005, Грацианский Н.А. 2011).

Ўзбекистонда ЎКС/ЎМИдан касалланиш ва ўлимни камайтириш мақсадида ЮҚТКларини эрта аниқлаш, даволаш ҳамда профилактика қилишга эътибор қаратиб келинмоқда (Курбанов Р.Д. 2011; Мамутов Р.Ш. 2002; Мамасолиев Н.С. 2005; Кадырова Ф. Р. 1985; Махмудов Б.Х. 1990).

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш амалиётида ЮҚТК кўрсаткичлари таъсир даражасини баҳолашнинг, хавф омилларнинг (ХО) ва ёндош касалликларнинг ЮИК мавжуд беморлар ҳаёт прогнозига таъсирини ўрганиш тизими мавжуд эмас, айниқса ЎКС/ЎМИни бошидан кечирган беморларда.

Барча айтилганлар шундан далолат берадики, ЎКС/ЎМИнинг барча босқичларда реал кечишини, реал ҳаёт прогнозини (ҳам яқин, ҳам олис келажакдаги), шунингдек беморларнинг ҳақиқатан олган даволарини ўрганиш - ўта долзарб илмий ва амалий вазифа хисобланади.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган қўйидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган: ИТСС-17-6 рақамли «Ўткир миокард инфаркти ва ўткир коронар синдромлари Регистри».

Тадқиқотнинг мақсади ЮИКнинг ўткир шаклларида эпидемиологик кўрсаткичларни, прогнозни ва тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишни ўрганиш асосида, ЎКС/ЎМИли беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент шаҳрининг муайян туманида уюшмаган аҳоли орасида ЎКС/ЎМИ эпидемиологиясини аниқлаш;

турли босқичларда кўрсатилаётган кардиологик ёрдамнинг ҳажми ва сифатини баҳолаш;

ЎКС/ЎМИдан содир бўлаётган леталлик ва ўлим даражаси тузилмаларини аниқлаш;

кузатувнинг турли босқичларида беморлар комплаентлигига боғлиқ равишда даволаш тадбирлари самарадорлиги ва прогнозни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎКС/ЎМИ билан касалланган 683 та беморлар танлаб олинди, уларнинг - 464 тасини (67,9%) эркаклар ва 219 тасини (32,1%) аёллар ташкил қилди. Ташхиснинг клиник жиҳатдан верификациялаш 10-КХТга мос равишда ҳамда ЮИКни эпидемиологик ва клиник тадқиқотлар учун тавсия қилинган (АНА, Circulation 2003; 108:2543-9) таснифи асосида амалга оширилди.

Тадқиқот предмети сифатида анамнез маълумотлари, поликлиника ва касалхоналар архивларидан олинган амбулатор дафтарча ва касаллик тарихлари тахлили, СТЭ ва ФХДЁ гувоҳномалари, «03» станциялари сигнал варақалари беморларни саралаш мақсадида фойдаланилди. Қўйидагилар турли босқичларда ўтказилиши лозим бўлган текширувларни ташкил этдилар: ЭКГ, ПТИ, липидлар спектри, қондаги қанд миқдори. Зарурат туғилганида жисмоний юклама тести, ЭХОКГ, тропонин текширувлари ўтказилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биохимик, ускуналар ёрдамидаги текширувлар ва статистик тахлил қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

анамнезида юрак ишемик касаллиги бор беморлар орасидан тўсатдан ўлим содир бўлишида бета - адреноблокаторлар, антиагрегантлар ва статинларни бир вақтнинг ўзида қабул қилмай қўйишлари юқори даражадаги прогностик кўрсаткичига (72,9%) эга эканлиги тасдиқланди;

тўсатдан ўлим содир бўлишида илк бор аниқланган қандли диабет, чекиш, артериал қон босимини ошишинг роли шунингдек анамнезида ишемия касаллиги мавжудлиги баҳоланган ва улар биргаликда келиши юқори даражадаги башоратлик кўрсаткичга эга эканлиги аниқланган;

стационаргача бўлган даврда миокард инфарктдан юзага келган ўлимда беморларда уч ва ундан ортиқ коронар томирларда атеросклеротик ўзгаришлар

мавжудлиги исботланди;

ўткир коронар синдроми/ўткир миокард инфарктини юзага келишида сурункали анемия роли баҳоланган ва у прогностик индексга эгаллиги исботланган;

ўткир коронар синдроми/ўткир миокард инфарктини юзага келишдаги клиник белгилари баҳоланганда асосан тўш орқасида оғрик, ҳолсизлик ёки хансирашлар бирга келиши тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЎКС/ЎМИ регистри содир бўлувчи касалланганлик, ўлим даражаси ва леталликни объектив баҳолашга ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари бундай беморларга тиббий хизматни ташкил қилишда ва уни такомиллаштиришда имконият беради;

ЎКС/ЎМИ регистри натижасида олинган маълумотлар ДПМлари ходимлари учун ўқув дастурларни ва тез ёрдам бригадаларига ахборотни тўплаш принципларини яратишга, беморларга касалликнинг турли босқичларида кўрсатиладиган даволаш-ташхислаш тадбирлари самарадорлигини оширишга ҳамда улардаги прогностни яхшилашга имкон беради;

ЎКС/ЎМИни бошидан кечирган беморларда тайинланган фармакотерапияга мойилликни 6 ва 12 ойдан кейин пастлигини ҳисобга олган ҳолда, уни сақлаб қолиш учун бемор стационардан чиқиб кетгандан сўнг ҳар ойда чақирилиб назорат қилиниши ва маҳаллий мутахассисларнинг назоратида бўлиши тавсия қилинди.

бизнинг минталитетга мостлаштирилган яқин келажакдаги даврда юрак-қон томир системаси ва уларни асоратларидан юзага келадиган ўлим хавфини баҳолашга имконият берадиган дастур ишлаб чиқилди, ушбу дастур шифокорнинг иш самарадорлигини ошириб, юрак - қон томир касалликларидан содир бўлиши мумкин бўлган ўлим хавфини ҳисоблаб чиқишга тавсия этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда назарий ёндошувни ва услубларни тўғри қўлланилишига, беморлар сонининг етарлилигига, шунингдек, клиник-биокимёвий, анамнестик, инструментал тадқиқотлар, сонли натижаларининг замонавий статистик услубларни қўллаган ҳолда ишловига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацион тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда ЎКС/ЎМИ билан хасталанган беморларни шахсан кузатиш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида ХОлари потенциали, уларнинг прогнозга таъсири ва мазкур касалликлардан содир бўлувчи ўлимни камайтириши борасидаги қарашлар ёритилди. Илмий асосланган регистр, юрак коронар касаллиги туфайли содир бўладиган бирламчи ва такроран содир бўлувчи клиник ҳолатлар сонини қай тарзда камайтиришни аниқлашга имкон беради. Шунингдек, умумий юрак - қон томир хавфини баҳолашга, клиник яқунларининг яхшиланишига ва ХОлари борасида профилактик тадбирларни ўтказишга имкон беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ЎКС/ЎМИ регистрини амалга ошириш тиббий хизматлар сифатининг ортишига олиб келади ва ўтказилаётган

даволашни халқаро стандартларга яқинлаштиради. Регистр маълумотлари ЎҚС/ЎМИ беморларини даволаш сифатларига риоя қилинаётганлигини назорат қилишга имкон беради, шунингдек қабул қилинган даволаш стандартларига риоя қилинмаслиги/бажарилмаслиги сабабларини аниқлашга имкон беради; сўнги босқичларда ЎҚС/ЎМИ билан оғриган беморларни ҳаёт сифатини баҳолаш ва даволаниш фонида солиштириш тахлили ўтказиш ва ўтказилган терапияга амал қилишлик, шу билан бирга тиббиёт ходимлари малакасини оширишга ва бунинг натижасида беморларнинг шифокор тавсияларини бажаришга мойилликларини (комплаентлик) ортишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

ЎҚС/ЎМИ ўтказган беморларда шу касалликларнинг ривожланишига олиб келувчи омилларни ўрганиб чиқиш, прогностик мезонларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ЎҚС/ЎМИ ўтказган беморларнинг хавф - стратификацияси услубларининг касалланиш ривожланиши хавфи, ўлим даражасини аниқлаш, уларни бирламчи ва иккиламчи профилактика қилиш нуқтаи назаридан такомиллаштириш бўйича «Юрак қон-томир касалликлари хавф омиллари» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 8н-д/117-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЎҚС/ЎМИ ўтказган беморларда ўлим содир бўлишида хавфли омилларни тўткан ўрни ва ҳаёт прогнозини баҳолаб, керакли тавсиялар бериш имкониятини яратган;

ЎҚС/ЎМИ юзага келтирадиган хавф омиллари ва юрак қон-томир касалликлари клиник белгиларни биргаликда келиши баҳоланган «Юрак қон-томир касалликлари хавф омиллари» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги № 8н-д/117-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма умумий юрак қон-томир хавфини баҳолашга, клиник яқунларнинг яхшиланишига ва ХОлари борасида профилактик тадбирларни ўтказишга имкон берган;

ЎҚС/ЎМИ беморларда ёш, жинс, чекиш статуси, қандли диабет, систолик артериал босимни ҳисобга олган ҳолда, юрак қон-томири касалликлари хавфини аниқлаш мақсадида «Юрак-қон томир хавфини баҳолаш учун дастур» тиббиёт амалётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 8н-д/117-сон маълумотномаси). Мазкур дастур ёрдамида умумий холестерин миқдорини текшириш имкони бўлмаган тиббиёт муассасаларида ёш, жинс, чекиш статуси, қандли диабет, систолик артериал босимни ҳисобга олган ҳолда, юрак - қон томири касалликлари хавфи аниқланиб, ҳаёт сифати кўрсаткичининг ўзгаришига, айниқса касалликнинг ўткир шаклларида юзага келадиган асоратларни яқин ва олисдаги прогностик кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келишга имкон берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та халқаро анжуманлар ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 57 илмий ишлар чоп этилиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш 6 та боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетли ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, унинг объекти ва предмети баён этилган, диссертациянинг республикада олиб борилаётган фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий жихатдан янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилинганлиги, чоп этилган ишлар ҳақидаги маълумотлар ва диссертациянинг структураси ёритилган.

«Ўлимнинг замонавий тенденциялари, клиник-эпидемиологик тадқиқотларнинг хавф омилларини ўрганишдаги роли ва ЎКС/ЎМИ билан хасталанганларга кардиологик ёрдамнинг ташкил этилганлиги» номли биринчи бобида мавзуга оид адабиётнинг шарҳи келтирилган бўлиб, ушбу боб 3 қисмдан иборат. Уларда ЎКС/ЎМИда кузатилаётган касалланганлик, ўлим ва леталликка хос бўлган трендлар келтирилган; ХОларининг ЎКС/ЎМИда нечоғли учраши; ушбу касалликда кўрсатилаётган кардиологик ёрдам ҳақида сўз юритилган.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг тавсифи ва текшириш усуллари»** номли иккинчи бобида текширилган шахсларнинг (беморлар ва вафот этганлар) умумий тавсифи ёритилган, текширувнинг клиник, лаборатор, функционал усуллари келтирилган. Ишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ЎКС/ЎМИ билан хасталанган ва/ёки гумон қилинган 683 шахслар (беморлар ва вафот этганлар) 01.07.2009 йилдан 30.06. 2010 йилгача даврида текширилди. Илмий тадқиқот Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази базасида амалга оширилди. Диссертация ишида клиник ташхиснинг верификацияси 10 - КХТ шифрлари ва ЮИК таснифининг эпидемиологик ва клиник тадқиқотлар учун тавсия этилган талабларига мос равишда амалга оширилди (Case Definitions for Acute Coronary Heart disease in Epidemiology and Clinical Research Studies. A Statement From the АНА Council on Epidemiology and Prevention. Circulation 2003; 108:2543-9).

ЎМИ ва ЎКСнинг эпидемиологик хусусиятлари Тошкент шаҳрининг муайян бир туманида (М. Улуғбек), доимий яшаб келаётган, уюшмаган аҳолиси орасида ўрганилди. Регистрга 683 та ЎКС/ЎМИ мавжуд/гумон қилинган бемор киритилган бўлиб, уларнинг - 464 таси (67,9%) эркаклар ва 219 таси (32,1%) аёллар бўлган. Уларнинг ўртача ёшлари, умуман гуруҳ бўйича $57,15 \pm 9,08$ га тенг бўлиб, эркакларда - $56,06 \pm 9,55$ ёшни, аёлларда эса - $59,48 \pm 7,51$ ёшни ташкил қилди.

ЖССТ тавсия этганидек, «Регистр» ходимлари томонидан мунтазам равишда, аниқланган ва гумон қилинган ЎКС/ЎМИ ҳолатлари ҳақида

маълумотлар тўплаб борилди. Бунинг учун улар тез тиббий ёрдам (ТТЁ) станцияси, поликлиникалар ва касалхоналарга ташриф буюрдилар. Маълумотларни тўплаш учун ТТЁ сигнал варақалари, амбулатор дафтарлар, касалхонадан чиқарилганлар варақаси, касаллик тарихлари, статистик талонлар, касалхонага ётқазилганлар ва рад этилган беморларни қайд этиш дафтарларидан фойдаланилди. Тўпланган маълумотларнинг тўлақонлилиги поликлиникалар ТМКдан, СТЭ ва ФХДЁ бўлимларидан олинган маълумотлар орқали назорат этиб борилди. Беморларнинг бир қисми, агар уларда ЎКС/ЎМИ борлигига гумон қилиниб ҳамда қандайдир сабабларга кўра касалхонага ётқазилмаган бўлсалар, уларига бориб ёки поликлиникада кўрилдилар. Бундай беморларда ЭКГ- текшируви ўтказилиб, миокард шикастланишининг биомаркерлари (АСТ, АЛТ, КФК, КФК-МВ, тропонин) даражасини аниқлаш учун қон таҳлиллари текширилди. Ҳар бир аниқланган/гумон қилинган ЎКС/ЎМИ ҳолатида беморга дастлабки қайд этиш варақаси тўлдирилди. Унда бемордан олиш мумкин бўлган барча ахборотлар акс этди (сўров, кўрик, амбулатор дафтарчадаги маълумотлар, турли текширувлар натижалари ва б.к.). Инфаркт олди ҳолати кузатилганига аниқлик киритилди - хуружнинг вақти ва давомийлиги, врач чақирилган ва унинг етиб келган вақтлар, касалхонага ётқазилган вақт, аввал зўриқиш стенокардияси мавжудлигига аниқлик киритилди.

Кейинчалик, касаллик қандай яқун топганини аниқлаш учун, бемор (ёки қариндошлари) билан алоқага чиқилди ва бемор ҳаётининг мақоми белгиланди. Шу мақсадда бемор билан телефонда алоқага чиқилди (6 ва 12 ойлик муддатларда), баъзи беморлар ўзлари бириктирилган поликлиникага ёки РИКИАТМ поликлиникасига чақирилдилар. Бундай ташрифларда бемор учун дафтарча тўлдирилиб, унинг ахволи МИдан кейинги даврда бошидан кечирган ахволининг динамикаси, кузатилган асоратлар ҳақидаги маълумотлар қайд этилди. Бемор вафот этган ҳолларда маълумотлар касаллик тарихидан (касалхонада вафот этган ҳолларда) ёки патологоанатомик текширув/СТЭ маълумотлари асосида олинди.

Кўлга киритилган маълумотлар Microsoft Excel 2007 ва STATISTICA 6.0 дастурлари воситасида статистик ишловдан ўтказилди. Асосан ёзиб борилувчи статистика услублари қўлланилди: ҳолатлар кўлами (% да, ҳар 100 000 аҳолига); ўртача катталиклар (ўрта арифметик сон); 95 % лик эҳтимол билан ишонч интервали (ИИ 95%). Гуруҳларнинг сифат белгисига мувофиқ таққослаш STATISTICA 6.0 дастуридаги «Нопараметрик маълумотлар» модулидан фойдаланиб, «2X2 жадваллари» опциялари ёрдамида амалга оширилди. Жадвалнинг барча катакларидида ҳолатнинг кўлами ≥ 5 бўлса - χ^2 Критерийси хисоблаб чиқарилди. Агар жадвал бўлмаганда 1 та катагида кўлам < 10 га тенг бўлиб, бироқ > 5 бўлса, χ^2 нинг таҳлили Йетснинг узлуксизлик кўрсаткичини қўллаган ҳолда амалга оширилди. Тадқиқотнинг барча босқичларида статистик аҳамиятлик даражаси сифатида - 0,05% қабул қилинди (α - 5 % лик хатога имкон берилди).


Диссертациянинг «Тошкент шаҳрининг бир туманида ЎКС/ЎМИ клиник-эпидемиологик параметрлари таҳлили» номли учинчи бобида

ЎҚС/ЎМИ тарқалганлигининг, ХО потенциалининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Таҳлил учун беморлар ташхис ва гендер хусусиятларига қараб гуруҳларга ажратилдилар.

Кузатув даврида 103 та киши (барча ётқизилганларнинг 25,4 %) ЎМИ ташхиси билан касалхонага ётқизилган бўлиб, уларнинг 69 тасида (регистрга киритилганларнинг 10,1 % и) Q-тишли МИ (ўртача ёши $60,18 \pm 7,0$) ташхиси аниқланди ва уларнинг 46 таси эркаклар, 23 таси аёллар бўлган. Q-тишсиз ЎМИ эса 34 кишида (ўртача ёши $59,47 \pm 7,98$) кўзатилди (регистрга киритилганларнинг 4,9 % и). Барча холларнинг 277 тасида (40,5 %) беморлар касалхонага етиб бормай вафот этганлар: уларнинг – 206 тасида (30,2%) «аниқланган ЎМИ» ва 71 тасида (10,4 %) «эхтимолий ЎМИ» аниқланди. 303 беморларда ЎҚС қайд этилди (эркаклар - 195 та, аёллар - 108 та), шу жумладан, ST-сегменти кўтарилиши билан 49 та холат (эркаклар - 40 та, аёллар - 9 та), ST-сегменти кўтарилмасдан - в 254 та холат (эркаклар - 155 та, аёллар - 99 та) қайд этилди.

Ўткир коронар патологияси эркакларда 2,2 марта кўпроқ учраши қайд этилди. Бунда ST - сегмент кўтарилиши билан ЎҚС ва аниқланган МИ эркакларда учраши кўлами, мос равишда 2,1 марта ($\chi^2 = 3,894$; $p = 0,048$) ва 1,6 марта ($\chi^2=7,823$; $p=0,005$) кўпроқлиги қайд қилинди. Аёллар учун ST-сегменти кўтарилмасдан кечадиган ЎҚСнинг ишончли тарздаги ҳамда эҳтимолий МИнинг ишончсиз тарздаги кўпроқ учраши хос бўлар экан: мос равишда 1,35 марта ($\chi^2=8,371$; $p=0,004$) ва 1,29 марта ($\chi^2=1,006$; $p=0,316$). Q-тиш билан ва бундай тишсиз ўтадиган ЎМИ қайд этилиши борасида эркаклар ва аёллар ўртасида ишончли тарздаги тафовут аниқланмади.

Расмда кўрсатилганидек, ЎҚС/ЎМИ эркакларда аёлларга нисбатан бирмунча ёшроқ даврларда учрар экан 25 - 29 ёшларда, аёлларда эса ушбу патология ўртача 10 йилга кечикиброқ содир бўлар экан. Дастлабки 3 та 5 - йиллик ёшларда ЎҚС/ЎМИнинг эркакларда учраш кўлами аёлларга қараганда 3,1 марта кўпроқ экан (1-расм).



1-расм. ЎҚС ва ЎМИ тарқалганлигининг ёш ва жинсга боғлиқлиги (%)

55-59 ёшлилар гуруҳига келиб ЎҚС/ЎМИ қайд этилиши кўлами деярли паритет холатига келади, 60-64 ёшлилар гуруҳида эса эркакларда ҳам, аёлларда

ҳам касалликнинг энг кўп қайд этилиши кузатилди. Кейинги беш йилликларда эса мазкур патологиянинг қайд этилиши аёлларда кескин ортиб кетиб (27,4%), эркакларга нисбатан (21,3%) баланд кўрсаткичларда акс этар экан, ҳатто 65-69 ёшлилар гуруҳида 1,5 бараварга кўпроқ қайд этилар экан.


Анамнез таҳлили кўрсатишича, деярли 1/3 беморларда юрак етишмовчилиги (ЮЕ) кузатилган экан, беморларнинг 1/3 дан кўпроғи аввал МИни бошдан кечирган эканлар. Тадқиқот давомида беморларнинг коронар патология белгиларидан хабардорлиги таҳлили ҳам ўтказилди. Бунда уларнинг хабардорлиги жуда паст даражада эканлиги ва бу кўрсаткич 32,3 %га тенглиги аниқланди. Айтиш мумкин аёллар эркакларга нисбатан мазкур патология хусусиятларидан кўпроқ хабардор бўлиб чиқдилар: мос равишда 37,4 %га ва 29,9 %га ($p < 0,05$).

ХОлари тарқалганлиги таҳлили кўрсатдики, артериал гипертензия (АГ) 558 та (81,7 %) беморнинг анамнезида кузатилган бўлиб, унинг эркакларнинг - 363 тасида (78,2%) ва аёлларнинг - 195 тасида (89,0%) қайд этилди ($p < 0,05$).

108 та беморда (26,6%) АГнинг I даражаси аниқланиб (24,4 % эркаклар ва 30,5 % аёлларда), унинг II даражаси - 64 кишида (15,7%), (14,5 % эркакларда ва 18,1 % аёлларда) ва ниҳоят касалликнинг III даражаси - 22 та беморда (5,4 %) аниқланди (мос равишда аёл ва эркакларда - 4,6 % ва 6,9 %).

Бизнинг тадқиқотда гиперхолестеринемия (ГХС > 180 мг/дл) беморларнинг 149 тасида (36,7%) аниқланиб, шу жумладан 93 та (35,5%) эркакда ва 56 та (38,9%) аёлда кузатилди. ГХСнинг ёшга нисбатан тарқалганлиги таҳлили кўрсатдики, унинг энг юқори кўрсаткичлари эркакларда 40 - 49 ёшда (51,4%) кузатилиб, аёлларда 60 - 69 ёшда (42,7 %) қайд этилди ($p < 0,001$).

Тамаки чекишнинг тарқалганлиги умумий популяцияда 44,5 %ни ташкил қилгани ҳолда аёлларга нисбатан эркакларда барча ёш гуруҳларида ишончли тарзда юқорилиги (5,8 марта) билан намоён бўлди (мос равишда 60,5 % ва 10,5 %; $p < 0,05$). Тамаки чекишнинг энг юқори даражалари эркакларда 20-29 ёшга ва аёлларда 30-39 ёшга тўғри келди (мос равишда 100 % ва 80%; $p < 0,01$). Ёш катталашиб боргани сари бу ХОнинг камайиб бориши тренди кузатилди. Аввал чекиб кейинчалик уни тўхтатганлар эркаклар орасида 9,5 %ни аёллардан эса 2,7 %ни ташкил қилди ($p < 0,05$) (2-расм).



2-расм. Тошкент шаҳрининг бир туманида ўҚС/ўМИ билан хасталанган беморлар орасида тамаки чекишнинг тарқалганлиги (%да)

Бизнинг тадқиқотимизда 81,2 % беморларда тананинг ортикча вазни (ТОВ) ёки семизлик кузатилди, шу жумладан: 368 та (регистрга олинган эркакларнинг 79,3 %) эркакларда ва 187 та аёлларда (85,4%) аниқланди. Гуруҳчалар орасида ТОВ ёки семизликнинг учраши кўлами деярли бир хил бўлди.

Ёш гуруҳларида эса, 30-39 ёшдан бошлаб, ТОВ ёки семизликнинг учраши кўлами борасида эркаклар ва аёллар орасидаги тафовут статистик жихатдан ишончли тарз ($p < 0,001$) ола бошлади ҳамда мос равишда 79,3 % ва 20,0 %га тенглиги кузатилди (эркакларда 3,9 марта кўпроқ).

ХОларининг биргаликда келишининг тахлили шуни кўрсатдики, улар ЎКС/ЎМИ билан хасталанган беморларнинг барчасида - 683 тасида (100 %) аниқланди, шу жумладан, 1 та ХО - 40 та кишида (5,8%), 2 та ХО - 129 тада (18,9%), 3 та ХО - 218 беморда (31,9%), 4 та ХО - 147 тада (21,5 %) ва ниҳоят > 5 ХО - 149 та беморда аниқланди (22,0%). Биринчи ўринни АГ эгаллади - 81,7%, иккинчи ўринни ТОВ - 81,2%, учинчи ўринни тамаки чекиш - 44,5% ва тўртинчи ўрин ГХСга мансуб бўлиб (37,5%), 2 та, 3 та, 4 та 5 та ва ундан кўп ХОларининг биргаликда келиши 18,9%, 31,9%, 21,5% ва 22,0% мост равишда учради.

Кўзатув мобайнида 465 та ЎМИ ҳолати кузатилди (тахлилдан муқим стенокардияга трансформация бўлган ЎКСлар чиқариб ташланди), шундан 334 таси (71,8%) эркакларга ва 131 таси (28,2%) аёлларга тўғри келди ($p < 0,001$).

Касалланиш кўрсаткичи ҳар 100.000 аҳолига 339,0 ҳолатдан тўғри келди, бунда мазкур кўрсаткичнинг эркаклар орасида 424га тенглиги ва аёллар орасида - 162га тенглиги ($p < 0,001$) маълум бўлди.

Касалланиш кўрсаткичининг ёшга боғлиқлигини ўрганиш тахлили куйидагиларни кўрсатди: ҳар 100.000 аҳолига нисбатан эркакларда 20-29 ёшдагиларда - 16 та ҳолат; 30-39 ёшдагиларда - 89 та ҳолат; 40-49 ёшдагиларда - 336 та ҳолат; 50-59 ёшдагиларда - 960 та ҳолат ва 60-69 ёшдагиларда - 2574 та ҳолат аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар аёлларда: 30-39 ёшдагиларда - 26; 40-49 ёшдагиларда - 92; 50-59 ёшдагиларда - 291 ва 60-69 ёшдагиларда - 893 ҳолатга тенг бўлгани кузатилди.

ЎКС/ЎМИдан содир бўлган ўлим кўрсаткичи ҳар 100.000 аҳолига нисбатан умумий когортада 240 ҳолатга тенг бўлиб, эркакларда - 350 га ва аёлларда - 133 ҳолатга тенг бўлди (2,6 баробарга камроқ, $p < 0,001$). ЎКС/ЎМИдан содир бўлган ўлим кўрсаткичи кўламининг ёшга оид даражалари эркакларда ҳам, аёлларда ҳам, умуман олганда касалланиш кўрсаткичи даражаларини такрорлади. Чунончи, эркакларда ЎКС/ЎМИнинг илк фатал ҳолатлари 20-29 ёш тоифасида кузатилгани ҳолда (худди илк касалланишга ўхшаб), ЎКС/ЎМИдан содир бўлувчи ўлимнинг максимал даражаси 60-69 ёшдагиларга тўғри келди (худди касалланиш энг кўп учрашига ўхшаб).

Аёлларда ҳам аналогик манзара кузатилди: ЎКС/ЎМИдан содир бўлган илк ўлим (худди илк касалланишга ўхшаб) 30-39 ёш тоифасида кузатилди, ўлимнинг максимал кўрсаткичи 60 - 69 ёшдагиларда қайд этилди.

Ўлим кўрсаткичининг ёшга боғлиқлигининг тахлили куйидагиларни аниқлади: ҳар 100.000 аҳолига нисбатан олинганда эркакларнинг 20-29 ёшдагиларида - 16 ҳолат; 30-39 ёшда - 69 та; 40-49 ёшда - 262 та; 50-59 ёшда -

827 та ва 60-69 ёшдагиларида - 2103 та ҳолатдан тўғри келди. Кўрсаткичнинг аёллар гуруҳларидаги кўлами эса: 30-39 ёшда - 26 та; 40-49 ёшда – 80 та; 50-59 ёшда - 250 ва 60-69 ёшда - 696 ҳолатга тенг бўлди.

Навбатдаги босқичда ЎКС/ЎМИдан содир бўлувчи касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг қиёсий тахлили эркаклар ва аёлларнинг ҳар бир ёш гуруҳларида алоҳида ўтказилди. 40-49 ёшдаги эркаклар орасида аёлларнинг худди шу гуруҳига нисбатан ўлимнинг анча юқори кўрсаткичлари қайд этилди. Ўлим даражасининг бундай юқорилиги - 3,3 мартаба фарқ билан намоён бўлди ($p < 0,001$), 50-59 ёшдаги ва 60-69 ёшдаги эркаклар орасида ЎКС/ЎМИ кўрсаткичларининг салбий вазияти сақланиб қолди ($p < 0,001$).

Диссертациянинг «**Турли босқичларда ўткир коронар синдроми/ўткир миокард инфаркти мавжуд пациентларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш**» номли тўртинчи бобида ЎКС/ЎМИ беморларига тиббий ёрдам кўрсатишнинг ташкил қилинганлик ҳолати ва беморларнинг шифокор тавсияларини бажаришга бўлган мойилликлари баён этилган.

ЎКС/ЎМИни касалхонагача бўлган даврдаги терапиянинг даволашнинг замонавий стандартларига мослигини баҳолаш кўрсатишича, бу даврда аспирирни (АС) 29,4 % пациентлар қабул қилганлар (26,9 % - эркаклар ва 34,7 % аёллар), 68,8 % пациентлар бу дорини қабул қилмаганлар ва 1,7 % - жавоб бера олмадилар. 4,4 % беморлар клопидогрель қабул қилган эканлар. Бета-блокаторларни (ББ) 25,3 % пациентлар қабул қилганлар, 73,2 % пациентлар бундай дори ичмаганлар ва 1,4 % киши жавоб бера олмадилар. Атиги 22,4 % эркаклар ва 31,5 % аёллар ББлар қабул қилган эканлар. АЎФ ингибиторларини (АЎФи) касалхонагача бўлган босқичда 20,6 % пациентлар қабул қилганлар, улардан 14,9 % ини эркаклар ва 32,8 % ини аёллар ташкил қилди. 76,1% пациентлар қабул қилганларини рад этдилар ва 3,2 % беморлар жавоб бера олмадилар. Статинларни (СТ) бор - йўғи 8,0 % пациентлар қабул қилганлар: 7,3 % эркаклар ва 9,5 % аёллар, 88,9 % пациентлар статинларни қабул қилмаганлар ва 3,1 % респондентлар жавоб бера олмадилар. Нитропрепаратларни (НП) 20,9 % пациентлар мунтазам қабул қилган эканлар, шу жумладан 20,5 % эркаклар ва 21,9 % аёллар қабул қилганлар; 76,8 % пациентлар уларни қабул қилганини рад этдилар ва 2,2 % киши жавоб беришга қийналдилар. Кальций антагонистларини (КА) касалхонагача бўлган босқичда 6,0 % пациентлар қабул қилган эканлар, 92,7 % пациентлар уларни қабул қилганини рад этди. АС, ББ, АЎФи кабиларни бир вақтда касалхонагача бўлган босқичда атиги 7,2 % пациентлар қабул қилган эканлар.

Умумий холестериннинг ўртача даражаси касалхонагача бўлган даврда (88,9 % беморларда) $205,8 \pm 51,9$ (минимум-максимум - 72 - 420) мг/длга тенг бўлган. Креатинин даражасининг ўртача миқдори касалхонага келган вақтда (93,8% беморда) - $113,2 \pm 67,9$ (минимум-максимум 11 - 520) мкмоль/лга тенг бўлган. Глюкоза даражасининг ўртача миқдори касалхонага келган вақтда (95.6 % беморда) - $7,2 \pm 3,6$ (минимум-максимум - 2,5 - 23,1) ммоль/лга тенг бўлган. Гемоглобин даражасининг ўртача миқдори касалхонага келган вақтда (97.3 % беморда) - $127,2 \pm 19,5$ (минимум-максимум - 48-188) г/л бўлган.

Қон зардобидаги тропониннинг сифат тахлили атиги 8,4 % ҳолларда ўтказилган, миқдорий тахлили эса - бирор ҳолатда ҳам аниқланмаган. Умумий КФК ва унинг МВ фракцияси даражаси ўта кам ҳолларда ўтказилган (мос равишда 2,9 % ва 4,4 %). Тахлил натижалари кўрсатдики, умумий холестерин ва қондаги қанднинг миқдорлари 50 % ва ундан кўпроқ ҳолларда нормадагидан баландроқ бўлар экан. 56,2 % беморларда турли даражада намоён бўладиган анемия аниқланди.

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, ЎКС/ЎМИда касаллик бошланганидан касалхонага ётқазилгунча ўтган вақтнинг (КЁВ) ўртача давомийлиги $26,79 \pm 39,66$ соатга тенг бўлди: эркакларда - $23,81 \pm 31,72$ соатга, аёлларда эса - $32,22 \pm 50,73$ соатга тенг бўлган ($p=0,04$). Энг сезиларли вақт йўқотишлар КЁДнинг биринчи даври билан боғлиқ бўлган экан. Бунда мазкур вақтнинг (25 соату 5 дақ.) 94,3 %и беморнинг ўзини ўзи даволаши ва ТТЁни чақирсамми экан, деган ўйланишларга сарф бўлган. ТТЁнинг беморга етиб келишига ўртача 31 дақиқа (КЁВнинг 1,8 %и) сарф бўлган, айти дамда ТТЁ етиб келганидан госпитализациягача ўтган вақт - 64 дақиқага (3,9%) тенг бўлган ($p = 0,045$).

Касалхонада 54 та бемор (13,3 %) вафот этган, шу сабабли даволанишга бўлган мойилликнинг прогностик аҳамияти фақат 352 та пациентда баҳоланди.

Касалхонадан чиқарилаётгандаги тавсияларни баҳолашда аниқландики, бунда энг кўп ҳолларда АСК - 305 (86,6%) ва БАБ - 298 (84,5%) тавсия этилган, шу жумладан, эркакларда - мос равишда 200 (88,9%) ва 186 (82,7%); аёлларда - мос равишда 105 (82,7%) ва 111 (87,4%) ҳолларда кузатилган ($p>0,01$). Клопидогрельдан 152 та (43,2%) пациентда фойдаланилган. Эркакларда клопидогрель аёлларга қараганда 1,6 марта кўпроқ тавсия этилган (мос равишда 50,2% ва 30,7%). ЎКС/ЎМИни даволашда қўлланиладиган бошқа гуруҳ дорилари тавсиясининг тахлили кўрсатишича, даволаш стандартига кирувчи АЎФи ёки АРА тоифасидаги препаратлар 74 %дан кўпроқ ҳолларда тавсия этилган (эркакларда - 161 (71,5%), аёлларда - 101 (79,5%)), нитратлар ва статинлар беморларнинг ярмига тавсия этилган (мос равишда эркакларда: 57,8 % ва 56,0 %; аёлларда 44,9 % ва 55,9 %) ($p>0,05$).

Беморларнинг даволанишга бўлган мойилликларини баҳолашда аниқландики, уларнинг 6 ойдан кейинги назорат ташрифларидаги сўровда, тавсияларни бажаришга мойилликлари паст даражада экан. Бу ҳолат айниқса диуретиклар ва ККБларга тегишли бўлиб, уларни қабул қилиш деярли икки баробарга камайган - мос равишда 22,4 %дан 8,3 %гача ва 22,1% дан 10,4 %гача камайган. АСК, БАБларни қабул қилиш ҳам мос равишда 1,2 ва 1,3 га камайиб, 86,6 %дан 72,7 %га ҳамда 84,5 %дан 63,8 %гача камайгани маълум бўлди. Препаратлар қабул қилинишининг гуруҳчалар кесимидаги тахлили кўрсатишича, АСК ва БАБни қабул қилиш 20-39 ёшдаги эркаклар орасида мос равишда 1,55 ва 1,7 марта камайган (яъни 87,5 %дан то 56,2 % гача ва 75,0 %дан 43,7 %гача; $p< 0,05$), шу ёшдаги аёлларда эса, аксинча, АСК, БАБларни қабул қилиш мос равишда 60 %дан 100 гача ва 80 %дан 100 % гача ортган. Бошқа фармакологик гуруҳ препаратларини қабул қилишни ўзбошимчалик билан тўхтатиб қўйилиши фоизи ҳам сезиларли даражада юқори бўлгани маълум бўлди.

Шунингдек, АЎФи ёки АРАни қабул қилишни 29,3 % пациентлар тўхтатганлар (дастлаб тавсия этилгандагидан 1,6 мартага камайган), нитратлар - 16,1 % киши (1,4 мартага камайиш), клопидогрельни 15 % киши (1,5 мартага паст), статинларни -13,9 % киши тўхтатган ёки 1,35 мартага камайган.

Даволанишга бўлган мойилликларини баҳолашда, уларнинг 12 ойдан кейинги назорат ташрифларидаги сўровда, беморларнинг тавсияларни бажаришга мойилликлари 6 ойликдагига қараганда анча юқорилагани аниқланди. Бу айниқса БАБ ва АЎФи (ёки АРА), статинлар ва БКК каби дори гуруҳларига таълуқли бўлиб, уларни қабул қилиш кўпайган экан: БАБ учун 63,8 %дан 78,5 %га (1,23 марта), АЎФи ёки АРА учун 45,1 %дан 55,2 %гача (1,22 марта), статинларда 39,2 %дан 55,8 %гача (1,42 марта) ортган. Шу билан бирга клопидогрельни қабул қилиш 1,4 марта камайиб, 28,2 %дан 20,4 %гачани ташкил қилиб, эркаклар орасида: 1,34 марта, аёллар орасида эса 1,46 марта камайган.

Фақат 104 та пациентларда (29,5 %) (улардан эркакларида - 32,4 %, аёлларда - 24,4 %) касалхонадан чиқарилаётганда тавсия этилган давонинг сифати ЎКС/ЎМИни даволашнинг замонавий стандартларига мос келди. Бизнинг тадқиқотда қуйидаги гуруҳлар энг кўп учрадилар: из 6 ёки 7 дори воситаларининг (ДВ) комбинациясида антиагрегант, β-адреноблокатор, АЎФи ёки АРА, статинлар ва нитратлар + диуретиклар ККБлари билан ёки антиаритмик препарат билан бир вақтда берилгани - 69 та (19,6 %) бемор – Iа гуруҳи; 5 та ДВни комбинацияда қабул қилганлар (антиагрегант, β-адреноблокатор, АЎФи ёки АРА, статин ва нитратлар) - I гуруҳ; 4 та ДВни комбинацияда қабул қилганлар (АСК + БАБ + АЎФи ёки АРА + статинлар – 111 та бемор (31,5 %) (улардан эркаклари - 32,9 %, аёллари - 29,1%) - II гуруҳ.

